

ISSN 2091-5780

# ILMIY XABARNOMA

НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК

№4/2015

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД  
БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD  
BOBUR NOMIDAGI  
ANDIJON DAVLAT  
UNIVERSITETI

# ILMIY XABARNOMA

## Научный вестник

2015 / №4

Андижон  
2015 йил

**Муассис:**

Zahiriddin Muhammad  
Bobur nomidagi  
Andijon davlat universiteti

**ИЛМИЙ ХАБАРНОМА  
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК**

Журнал бир йилда  
тўрт марта чоп этилади

Андижон вилояти Матбуот  
ва ахборот бошқармаси  
томонидан 2009 йил  
7 апрелда 04-039 рақам билан  
рўйхатга олинган.  
Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:  
Д.Ҳ.Қурунов

Журнал фалсафа, тарих,  
филология, педагогика ва кимё  
фанлари бўйича Олий  
Аттестация комиссиясининг  
диссертациялар натижалари  
юзасидан илмий мақолалар  
эълон қилиниши лозим бўлган  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат  
етилди: 17.08.2015.  
Қоғоз бичими: 60x84 1/<sub>8</sub>.  
Босма табоги: 13.  
Офсет босма. Офсет қозози.  
Адади: 700 дона.  
Баҳоси келишилган нархда.  
Буюртма №:66

Муқова дизайнни ва  
оригинал-макет  
«Akademnashr NMM» МЧЖ  
тomonидан тайёрланган.

«Akademnashr NMM» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани  
20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.

**Таҳрир ҳайъати раиси:**

А.С.Юлдашев, биология фанлари доктори, профессор

**Илмий маслаҳатчи:**

С.С.Ғуломов, ЎзФА академиги

**Таҳрир ҳайъати:****Аниқ ва табиий фанлар:**

Ғ.Мўминов, физика-математика фанлари доктори  
А.Ўринов, физика-математика фанлари доктори, профессор  
М.Тўхтасинов, физика-математика фанлари доктори  
С.Зайнобидинов, физика-математика фанлари доктори, профессор  
И.Н.Каримов, физика-математика фанлари доктори, профессор  
Р.Я.Расулов, физика-математика фанлари доктори, профессор  
Р.У.Алиев, техника фанлари доктори, профессор  
И.Р.Асқаров, кимё фанлари доктори, профессор  
Н.Мадиҳонов, кимё фанлари доктори, профессор  
И.Абдуғафуров, кимё фанлари доктори  
Т.А.Мадумаров, биология фанлари доктори, профессор  
М.Ҳ.Аҳмедов, биология фанлари доктори, профессор  
Л.М.Сайдбоева, биология фанлари доктори, профессор  
Қ.Т.Тожибоев, биология фанлари доктори, профессор

**Ижтимоий-гуманитар фанлар:**

А.Бегматов, фалсафа фанлари доктори, профессор  
Т.Ортиқов, фалсафа фанлари доктори, профессор  
В.А.Алимасов, фалсафа фанлари доктори, профессор  
Р.Рўзиев, юридик фанлари доктори, профессор  
Й.Раҳимов, юридик фанлари доктори, профессор  
М.Қирғизбоев, сиёсий фанлар доктори, профессор  
И.Эргашев, сиёсий фанлар доктори, профессор  
К.Юнусов, сиёсий фанлар доктори  
И.А.Алимов, тарих фанлари доктори, профессор  
Р.Т.Шамсутдинов, тарих фанлари доктори, профессор  
Қ.Ражабов, тарих фанлари доктори, профессор  
У.Абдуллаев, тарих фанлари доктори  
А.Сотволдиев, иқтисод фанлари доктори, профессор  
Қ.Ҳ.Муфтайдинов, иқтисод фанлари доктори, профессор  
М.Болтабоев, иқтисод фанлари доктори  
А.А.Қаюмов, география фанлари доктори, профессор  
А.Нигматов, география фанлари доктори, профессор  
Ю.И.Аҳмадалиев, география фанлари доктори  
Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова, филология фанлари доктори, профессор  
А.Ш.Собиров, филология фанлари доктори  
Ғ.М.Ҳошимов, филология фанлари доктори, профессор  
С.Р.Мирзаева, филология фанлари доктори, профессор  
Й.Солижонов, филология фанлари доктори, профессор  
Т.Ҳ.Ҳасанов, педагогика фанлари доктори, профессор  
Ш.Ж.Юсупова, педагогика фанлари доктори  
Н.Ш.Эркабоева, педагогика фанлари доктори  
Н.С.Сафоев, психология фанлари доктори, профессор  
Ш.Р.Баратов, психология фанлари доктори, профессор

**Муҳаррир:**

Д.Ҳ.Қурунов, филология фанлари доктори, профессор

**Таҳририят манзили:**

170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.

Телефон: (+99891) 160-20-43. Факс: (374) 223-88-30. Расмий сайт: [www.ilmiyxabarnoma.uz](http://www.ilmiyxabarnoma.uz)

# МУНДАРИЖА

## аниқ ва табиий фанлар

### МАТЕМАТИКА

**С.А.АХМЕДОВ, А.Г.АБДУЛЛАЕВ**

Асимптотическое поведение  $U$  – статистики при случайному объеме выборки (часть-II) ..... 5

**Ф.А.АЛИЕВ, Ж.И.ХУЖАЕВ**

Алгоритм и вычислительный эксперимент по одномерной задаче Стефана с фронтом затвердевания ..... 9

### ФИЗИКА. ТЕХНИКА

**С.З.ЗАЙНАБИДИНОВ, М.У.КАЛАНОВ, А.Й.БОБОЕВ, Д.П.АБДУРАХИМОВ**

Синтез и электрофизические свойства твердого раствора

$(\text{Ge}_{2-x-y}(\text{ZnSe})_x(\text{GaAs})_y$  ..... 14

**И.Н.КАРИМОВ, Ш.ЭРМАТОВ, М.З.НОСИРОВ, М.ИБРОҲИМОВ**

Лазерлар: кеча, бугун, эртага ..... 19

### ХИМИЯ

**А.Г.МАХСУМОВ, Н.МАДИХАНОВ, И.А.АБДУГАФУРОВ**

Способы получения 1-медь-серебро-и йод-пропаргиловых эфиров производных фенолов ..... 23

**Х.НИШАНОВ, С.АЛИЕВ**

Перспективы расширения химической технологии получения и применения порошкообразного кремния ..... 26

### БИОЛОГИЯ

**А.А. ЮЛДАШЕВ, А.А. МАМАЖОНОВ, М.Ш. ЖАЙНАҚОВ,**

**Ғ.Н. ЖҮРАҚУЛОВ, М.Ф. АБЗАЛОВ**

Ғўза ўсимлигининг Л-1, Л-490 тизмалари ва С-2610 нав шакллари асосида олинган F1 ўсимликларида белгиларнинг ирсийланиши ..... 30

**А.К.ҲУСАНОВ, А.Х.СУЛАЙМОНОВ, М.Ҳ.АҲМЕДОВ**

Фарғона водийси цикада фаунаси (homoptera, cicadellidae)нинг экологик таҳлилига оид ..... 33

## ижтимоий-гуманитар фанлар

### ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ҲУҚУҚ

**Т.А.АРТЫКОВ, М.У.МАМАДАЛИЕВ**

Эвристическо-футурологические аспекты философского спора Бора-Эйнштейна ..... 37

**Б.М.ҚАНДОВ**

Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлашда миллий ҳуқуқий тизимларнинг ўрни ..... 39

**М.К.ТУЛАГАНОВА**

Философский анализ духовно-нравственного развития человека в наследии аль-Фараби ..... 43

**Ф.НУРДИНОВА**

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаолигини амалга ошириш омили сифатида ..... 46

**Б.С.ГАНИЕВ**

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари ..... 49

## ИҚТИСОД

**Д.Н. НУРМАТОВ**

Факторы, влияющие на эффективное использование трудовых ресурсов  
на промышленных предприятиях Андиканской области ..... 53

**М.МАМАЖОНОВ, М.ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Шерикчилик муносабатларининг ижтимоий  
муҳофазада тутган ўрни ..... 55

## ТАРИХ

**Ю.М.РАХМАНОВА, З.АЗИМОВА**

Хоразмда металл билан ишлаш хунари ..... 59

**И.А. АЛИМОВ, Ш. ҲОШИМЖОНОВ**

Ўзбекистонда советларнинг испом дини руҳонийлари  
хуқуқларини чеклаш сиёсати ..... 61

**С.А. ҲОШИМОВ**

Советлар ва дин: XX аср 20-30-йиллар тарихидан ..... 64

**А.АХУНОВ, Ш.САЙДАЛИЕВА**

Ўрта Осиё лагеридағи маҳбусларнинг сургун қилинишига доир ..... 67

**Э.ЭРКАЕВ, Д.ҲОМИДОВ**

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда  
пахта якка ҳокимлиги ва унинг оқибатлари ..... 72

**Д.А.ИЙМАНОВА**

Совет тузумининг Ўзбекистонга марказдан “кадрлар жўнатиш”  
сиёсати ва унинг оқибатлари ..... 78

**О.К.КОМИЛОВ**

Ўзбекистонда йирик суғориш каналлари, насос станцияларининг  
барпо этилиши ва пахта якка ҳокимлигининг янада кучайиши ..... 79

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

**С.Д.ҚУРОНОВ**

Чўлпон шеъриятида бадиий образнинг визуаллашуви ..... 84

**Ф.К.ҲАБИБУЛЛАЕВА**

К проблеме воссоздания национального своеобразия ..... 87

## ТИЛШУНОСЛИК

**С.РАХИМОВ**

Взаимоотношение универсальных категорий лингвистики,  
философии и общих черт риторики ..... 90

**Р.А.АЛИМУХАМЕДОВ**

Қадимги уйғур хоқонларининг унвонлари ҳақида ..... 93

**А.МАМАДАЛИЕВ**

Общая сема на уровне языка и речи при переносе значений ..... 96

**М.З.ХУДОЙБЕРДИЕВА**

К вопросу о синтаксическом членении устойчивых фраз ..... 98

## ПЕДАГОГИКА

**Г.А. АСИЛОВА**

Талабалар касбий лаёқатини шакллантиришнинг лингвопсихологик аспектлари ..... 102

**А.А.ЗАПАРОВ, М.З.НОСИРОВ, М.К.МАҲКАМОВ, А.А.ЗАФАРОВ**

Умумтехника фанларини ўқитишида ахборот-коммуникация  
технологияларидан фойдаланиш ..... 104

**М.РАҲМОНОВ, Г.ТЕМИРОВА, Ю.УСМАНАЛИЕВА**

MS Excelда молиявий масалаларни ечиш ..... 107

## ЮБИЛЯРЛАРИМIZ

**И.Н.КАРИМОВ**

Фан ва таълимга бахшида умр ..... 110

## ТАЛАБАЛАР КАСБИЙ ЛАЁҚАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЛИНГВОПСИХОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ (божхона ва солиқ йўналишларида)

**Г.А. Асиева**

*Мақолада бўлажак божхона ва солиқ ходимларининг мулоқот маданияти масалалари, уларда касбий лаёқатни шакллантиришининг асосий тамойиллари, омиллари, бу борадаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари таҳлил қилинган.*

**Калим сўзлар:** касбий лаёқат, давлат тили таълими, мулоқот маданияти, тил компетенцияси.

*В статье анализируются вопросы культуры общения будущих сотрудников таможенных и налоговых структур, основные принципы и факторы, влияющие на формирование у них профессиональной компетенции, проблемы и пути их решения.*

**Ключевые слова:** профессиональная компетенция, обучение государственному языку, культура общения, языковая компетенция.

*The article analyzes the issues of cultural communication for future employees of the customs and tax structures, basic principles and factors influencing on the formation of their professional competence, the problems and their solutions.*

**Key words:** professional competence, learning the state language, the culture of communication, linguistic competence.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг иқтисодий ҳавфсизлиги божхона ва солиқ идораларининг кадрлар захирасига боғлиқ, чунки уларнинг касбий фаолиятида асосан ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий характердаги муносабатлар акс этади. Божхона ва солиқ ходимлари иш фаолиятида чукур иқтисодий билимларга эга бўлиш, қонунчиликни аниқ талқин қилиш, божхона ва солиқ жараёнларини амалга ошириш қўнимларни, фавқулодда ҳолатларда тезкор ҳаракат қилиш, божхона ва солиқ меъёрларини бузувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ўз вақтида сезиш каби психологоқ қобилиятларга таяниб фаолият юритишлари талаб этилади.

Божхона ва солиқ тизимлари мутахассисларининг юқори даражадаги касбий тайёргарлигига ижтимоий эҳтиёж уларга қўйилаётган талаблар тизими, жумладан, юқори даражадаги касбий лаёқат, ўз устида мунтазам ишлаш, ўзининг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш, мунтазам ўзгариб турувчи ижтимоий-маданий шароитларга тезкор мослаша олиш компетенциясига эга бўлиш каби муҳим жиҳатларда акс этади.

Ушбу талаблардан келиб чиқсан ҳолда божхона ва солиқ йўналишларида ўзбек тили таълими бўлажак мутахассисларнинг касбга йўналтирилган коммуникатив компетенциясини шакллантиришга, яъни талабалар эгаллаётган мутахассислигига оид матнлар, соҳавий лексика устида ишлаш орқали уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ ма-

лакаларини ривожлантиришга қаратилмоғи керак бўлади. Божхона ва солиқ тизимлари ходимларини тайёрлашнинг долзарб масалаларига бағишиланган ишларда ушбу йўналишларда таҳсил олаётган талабаларнинг касбий мулоқотга оид компетенцияларини такомиллаштиришда қатор муаммолар мавжудлиги қайд этилган [1.2].

Божхона ва солиқ тизимларида талабалар касбий лаёқатини шакллантиришининг асосий тамойиллари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) ташкилий (ўз иш жойини тайёрлаш ва унда меҳнат жараёнини ташкиллаштириш, соҳага оид ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича самарали фаолият юритиш, масалан, божхона декларацияларининг тўғри тўлдирилишини назорат қилиш, солиқ ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилишини таъминлаш, иш ҳужжатларини сифатли тузиш ва б.);

2) конструктив (иш фаолиятини режалаштириш, мунтазам ўзгариб борувчи меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ва ўз фаолиятида кўллаш, ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнларини амалга ошириш, касбий фаолиятни прогнозлаштириш, иш жараёнида пайдо бўлиши эҳтимоли бўлган муаммоларнинг олдини олиш);

3) коммуникатив (ташқи иқтисодий фаолият субъектлари, маҳаллий аҳоли, ҳамкаслар, маъмурият билан мулоқот мунтазам ва ўзаро муносаба-

батларни шакллантириш, юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликларнинг олдини олиш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари билан нафакат бевосита божхона ҳужжатларининг расмийлаштирилуви, балки ундан бошқа ҳолатларда ҳам ўзаро ҳамкорлик қилиш);

4) гностик (махсус адабиётларни таҳлил қилиш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари (аҳоли)нинг ҳолатини баҳолай олиш, ўз фаолияти ва музокаранинг барча иштирокчилари фаолиятини англаш);

5) интегратив (божхона иши мутахассисларининг барча функцияларини амалга ошириш, тўсатдан юзага келган муаммоли ҳолатларга дарҳол муносабат билдириш ва уларни ҳал қилиш).

Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари, божхона ва солиқ соҳасида мутахассислар тайёрлашда улар билан мuloқot қиладиган субъектларнинг нутқи хусусиятларини ажратса билиш учун ёши, ижтимоий келиб чиқиши, касби, менталитети каби психологик жиҳатларга ҳам эътибор қаратиш керак бўлади. Жумладан, божхона ходимлари асосан чегара божхона постларида хорижга кетаётган ва хориждан келаётган шахслар билан, ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, тадбиркорлар билан мuloқot қилишлари, солиқ ходимларининг эса асосан корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар билан иш олиб боришлари албатта мuloқot йўналишига, соҳавий иш ҳужжатларини юритишда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Демак, божхона ходимларининг касбий лаёқати қай даражада шаклланганлиги, асосан, божхона расмийлаштирувани ва божхона назоратини амалга ошириш жараёнида, солиқ ходимларининг касбий лаёқати эса корхоналар вакиллари ва жисмоний шахслар билан тушуниши ишлари олиб боришда, иш ҳужжатларини тўғри расмийлаштиришда намоён бўлади. Шу боис мазкур соҳа ходимларига маълумоти юқори, фаол ҳаётй позицияга эга бўлиш, хизмат жамоасининг функционалларини юқори профессионал даражада таъминлаш билан бирга, юксак савиядаги мuloқot компетенциясига эга бўлиш талаблари ҳам қўйилади. Ушбу талабларда божхона ва солиқ тизимлари ходимлари учун давлат тилида мuloқot юритиш жараёнида фуқароларнинг нутқи ва фикрини тушунишининг ўзи етарли эмаслиги, улар нутқининг аниқлик, тўғрилик, жўялилик каби коммуникатив сифатларини (нутқи маданияти ва услубият асослари) билишлари, фуқаролар билан мунозара ва баҳсга киришганда нутқи маданиятининг юқорида қайд қилинган жиҳатларига риоя

қилган ҳолда ўз фикрини ифодалаш малакасига ҳам эга бўлишлари зарурлиги таъкидланади.

Божхона ва солиқ тизимлари ходимларининг касбий лаёқати талабларида низоли вазиятлар юзага келганда самарали ҳаракат қилиш, бундай вазиятларнинг олдини олиш ва касбий мuloқot жараёнида улардан чиқиб кета олиш ҳам кўзда тутилади. Шу сабабли божхона ва солиқ йўналишларида таҳсил олаётган талабаларда уларнинг касбий фаолиятида муҳим ўрин тутадиган ўзига хос мuloқot компетенцияларини шакллантириш ниҳоятда муҳимдир. Бўлажак божхона ва солиқ тизимлари ходимларидан мuloқot (тил) компетенцияларини шакллантириш омиллари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- сұхбат, музокара, оғзаки сўров боришини режалаштира олиш;
- саволлар, жавоблар ва эътиrozларни тез ифодалай олиш;
- сұхбатдошларининг нутқини тўғри тушуниш;
- прогнозлаштириш, яъни сұхбат мавзуси қандай бўлишини олдиндан билиш;
- мuloқot юритилаётган тилнинг лексикасини билиш;
- ушбу тилда гапларни тўғри тузишни билиш;
- нутқ оҳангидан овоз баландлиги даражасини билиш;
- қолип (стереотип)лардан воз кечган ҳолда мuloқot шаклига янгилик ва ўзига хослик киритиш [3].

Божхона ва солиқ тизимлари талабаларининг тил компетенциясини шакллантириш мақсадларига эришишнинг асосий шартлари мuloқot малакасини ривожлантириш, талабаларда ўзлари иштирок этадиган вазиятлар учун ижтимоий жиҳатдан мақбул тил воситаларини топиш лаёқатини ривожлантириш учун зарур бўлган прагматик билимдонлигни шакллантириш; талабаларни тиллар ва маданиятларни қиёслашга жалб қилиш, маданиятларро мuloқotга пухта тайёрлаш, ўз дунёқарашини кенгайтириш, муносабатларни қуриш, танқидий-рефлексив усууда фикрлашни назарда тутадиган маданий билимдонлигни ошириш кабиларни қамраб олади.

Кўринадики, божхона ва солиқ йўналиши талабаларининг касбий лаёқатини шакллантиришда уларнинг ижтимоий-маданий компетенцияларини шакллантириш алоҳида ўрин тутади. Ижтимоий-маданий компетенция деганда, шахс томонидан нутқни саводли ва тўғри, шунингдек, мuloқot қаерда, нима мавзуда ва ким билан юритилишига мос ҳолда тушуниш, сўзлашиб, ўқиш ва ёзиш малакаси шаклланганлиги тушунилади. Бироқ бу гунги кунда касб таълими назариётида ҳам, амалиётида ҳам божхона ва солиқ ходимларининг бевосита хизмат фаолиятида ижтимоий-маданий

компетенцияларни шакллантириш, бу жараённи методик ва технологик жиҳатдан таъминлаш каби масалалар илмий-методик жиҳатдан ёритиб берилмаганини қайд этиш лозим.

Божхона ва солиқ иши мутахассислари ўз хизмат фаолиятида турли маданиятлар вакиллари билан муносабатга киришиши сабабли мулокот компетенцияси уларга ижтимоий фаолиятни ташкил қилиш ва уни янги алоқа ҳамда муносабатлар билан бойитишга имкон беради. Бироқ баъзан юқори даражадаги касбий билим, малака ва кўникмаларга, зарур эрудицияга эга бўлишларига қарамасдан, бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларда ижтимоий-маданий компетенцияга эга бўлмаган мутахассислар мулокот жараёнида ўта ожиз бўлиб қоладилар. Шу боисдан божхона ва солиқ ходимларининг касбий лаёқати тизимида, бошқа касб эгаларидан фарқли равишда, ижтимоий-маданий компетенция муҳим ўрин тутади. Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, божхона иши мутахассисининг ижтимоий-маданий компетен-

цияси унинг коррупцияга қарши шахсий позициясининг асоси бўлиб хизмат қиласди [4.46].

Демак, божхона ва солиқ йўналишларида таълим олаётган бўлажак мутахассисларнинг касбий лаёқати иш фаолиятида, оғзаки ва ёзма мулокотда, муомала, юриш-туриш, ўзини тутишда намоён бўладиган профессионал аҳамиятга эга бўлган хислатлар мажмуидан иборат. Ушбу хислатларнинг ходимда қай даражада шакллангани мутахассиснинг ўз касбига нисбатан масъулиятидан далолат беради.

Айтилганларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, божхона ва солиқ ташкilotларида иш самарадорлиги даражасининг юқорилиги ва фаолиятнинг ўзига хослиги мазкур тизимлар ходимларидан нафақат маҳсус билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишни, балки касбий лаёқатнинг турли кўринишлари, шунингдек, ижтимоий-маданий компетенцияларни, касбий лаёқат учун зарур бўлган хислатларни ривожлантириши талаб қиласди.

#### Адабиётлар:

1. Женжеруха Р.И. Формирование социокультурной компетентности специалистов таможенных служб средствами социально-психологического тренинга: Дисс. ... канд. пед. наук. – М., 2011. – 227 с.
2. Погребная Я.А. Повышение эффективности профессиональной подготовки студентов негосударственных налоговых вузов: Дисс. ...канд. пед. наук. – М., 2008. – 334 с.
3. Туктарова Н.И. Содержание, структура и критерии сформированности языковой корректности как качества будущих таможенников // Международная заочная научно-практическая конференция «Актуальные проблемы современной педагогики». – Новосибирск: ЭНСКЕ, 2010.
4. Малаявина С. С. Тренинг социокультурной компетентности студентов педагогических вузов / Учебно-методическое пособие. – Саранск, 2007. – 64 с.

Олий ҳарбий божхона институти  
2015 йил 3 сентябрда қабул қилинган  
(Тақризчи: п.ф.д. Х.С.Муҳитдинова)

## УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА АҲБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**А.А.Запаров, М.З.Носиров, М.К.Маҳкамов, А.А.Зафаров**

Мақолада замонавий талаблар асосида муҳандис педагоглар тайёрлашда аҳборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш муаммолари, шунингдек, умумтехника фанлари бўйича электрон дарсликлар ва виртуал стендлар тайёрлаши масалалари ёритилган.

**Калим сўзлар:** аҳборот технология, электрон дарслик, виртуал стенд, анимация.

В статье представлены проблемы использования информационно-коммуникационных технологий в подготовке инженеров-педагогов, а также вопросы изготовления электронных учебников и виртуальных стендов по общетехническим дисциплинам.

**Илмий хабарнома, АДУ, №4 2015 йил**